
Масъулларга топшириқлар берилди

Тошлоқ тумани ҳокимлигининг мажлислар залида аппарат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни туман ҳокими Абдуқаҳҳор Джурабаев олиб борди. Кун тартибидаги таълим ва тиббиёт муассасаларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги бўйича туман ҳокими ўринбосарлари Ш.Исабоев ва А.Деҳқоновларнинг ахбороти эшитилди.

Шундан сўнг туман ҳокимининг биринчи ўринбосари К.Умаровнинг иқтисодий масалалар бўйича ҳисоботи эшитилди. Шунингдек, йиғилиш давомида туман тиббиёт бирлашмасида аҳоли саломатлиги йўлида олиб борилаётган ишлар ҳам муҳокама этилди.Туман ҳокими ҳар бир масала бўйича тегишли масъулларга топшириқлар берди.

2020-10-14 18:30:15